Сайловбой ЖУМАҒУЛОВ

# ЙИЛИНГИЗ ҚУЁН ЭКАН

Ҳажвия

Туман ўрмон хўжалиги бошлигининг кенг хонаси. Бу ерда эрталаб бошланган мажлис кечгача давом этди. Ниҳоят, охирги масала кўриладиган бўлди.

— Демак, хўжалигимизда очилажак «Булбул» кичик корхонаси раҳбарлигига Сарсенбой Нуримбетов номзодини кўрсатаман. Кимда қандай фикр бор?

Урта бўйли, бақалоқдан келган ўринбосар пишиллаганча ўрнидан туриб салмоқдор гап бошлади:

— Муҳтарам ҳамкасблар! Мен хўжайинимизнинг таклифига юз эллик фоиз қўшиламан. Менимча, бу лавозимга фақат шу кишигина лойиқ. Иккиланмай Сарсенбой Нуримбетовични кичик корхона раҳбари лавозимига сайлаб қўяйлик!

— Мен ҳам қарши эмасман, — деди бош ҳосилот ўрнидан бир қўзғолиб, — Сарсенбой Нуримбетовни кўп йиллардан буён танийман. У илгари раҳбарлик лавозимларида кўп ишлаган.

Бош ҳисобчи ҳам сўз сўраб, аввалги нотиқнинг сўзини қувватлади. Навбатма-навбат бошқалар ҳам номзод хусусида илиқ сўзлар айтишди:

— Утган йили у ҳақда туман рўзномасида катта очерк ёритилди. Унда чекка қишлоққа қийинчилик билан табиий газ олиб борганлиги ҳикоя қилинади.

— Изимбек бобонинг тўрт яшар ғунажинини ўғирлаган безорини ушлаб берган ҳам шу киши бўладилар.

— Сарсенбой оғанинг оиласи ҳаммага намуна бўладиган оила...

— Хуллас, ҳаммамиз бир овоздан қатъий қарорга келдик, — деди бошлиқ соатига қараркан, — «Булбул» кичик корхонаси раҳбари этиб Сарсенбой Нуримбетовични сайлаймиз.

— Албатта, бир овоздан сайлаймиз.

— Бошқани сайламаймиз.

Шу пайт ҳовлиққанча кадрлар бўлими бошлиғи кириб келди. Қўлидаги папкани очиб бошлиққа нималарнидир ўқиб берди, узоқ шивирлашди. Бошлиқнинг ранги оқариб кетди.

— Уртоқлар, — деди бошлиқ титраб, — кичик корхонага раҳбар сайлаш масаласини бошқа кунга қолдирмасак бўлмайди.

Утирганлар бир-бирига қарашиб, ҳайрон бўлишди. Сўнгра шовқин сола бошлашди.

— Нима бўлди? Тинчликми ўзи? Тепадан қўнғироқ қилишибдими?

— Йўқ.

— Ёки унинг ўзи қарши эканми?

— Йўқ. Сарсенбой Нуримбетовичнинг бир нуқсони чиқиб қолди. У 1951 йили туғилган экан.

Бошлиқнинг бу сўзига хонадагилар кулиб юборишди. Айниқса кассир қизнинг кулгидан ичаги узилай деди.

— Мен ҳеч нарсага тушунолмаяпман. Ахир, ҳар ким туғилган йилида туғилади-да. Бунинг нимаси ёмон?

— Тўғри айтасиз, — деди бошлиқ. — Аммо бир нарсаниям ҳисобга олмасак бўлмайди. Сўнгги пайтларда туғилган йилимизга қараб келажагимизни белгилайдиган китоблар кўпайиб кетди. Уларгаям ишонмак лозим. Сарсенбой Нуримбетов 1951 йили туғилган, яъни йили қуён экан. Китобга назар ташласак, қуён йили туғилганлар қўрқоқ, бир ишни ўзича ечолмайдиган, ичи қора одам бўлар экан. Шу учун Сарсенбой Нуримбетовични кичик корхона бошлиғи қилиб сайламаганимиз маъқул.

Йиғилганлар ўзаро шивирлашиб олишди. Бош ҳосилот ўрнидан турди.

— Ўртоқлар беш дақиқалик танаффусга чиқайлик, — деди у бошлиғининг юзига аянчли қараб. — Шундан кейин бугунги мажлисга яна бир масала киритиб, униям ҳал қилиб олардик.

— Қанақа масала экан? — деди ҳўмрайиб бошлиқ.

— Ўрмон хўжалиги бошлиғиниям қайтадан сайлашимиз керак.

Бошлиқ жаҳл билан ўрнидан сапчиб туриб кетди.

— Нима деб валдираяпсан? Сенларга энди мени бўшатиш қолувдими?

— Ҳа. Сабаби 1939 йили туғилган экансиз. Хуллас сизнинг йилингиз ҳам қуён экан.

Қорақалпоқ тилидан
Ёркул УМАРОВ ўгирди

*Биз томонларда Денав деган бир қишлоқ бор. Одамлари миришкор деҳқон, тошда гул ундиришга қодир. Денавликлар шўх, ҳазилкаш бўлади, бир-бирига «асалари игнасидан» бир чимдим улашиб, кулишиб юришни хуш кўради.*

*Мен ўшандай қувноқ жўраларнинг бир шингил ҳазилини сиз азизлар билан ўртоқлашгим келди.*

Тошпўлат АҲМАД

# ЖЎРАЛАР НИМА ЭКИШДИ?

## «САБЗИ ПИШДИ»...

Гадоймуродга «памилдори» десангиз, «хўш-ше» дейди, мабодо, «памилдори экасизми», деб сўрасангиз, «сабзи экамиз, сабзи» дейди жиғибийрони чиқиб. Бунинг қизиқ тарихи бор. Экин-тикин авж олган кунларнинг бирида Гадоймурод Боймуроднинг уйига келибди. Қараса, Боймурод томорқасида у-бу экиб юрибди.

— Ҳорма, Бой! Узи дейман, минг хил нарса экибсан-ов.

— Бор бўл, Гадой! Экдим, жўра. Битта кам айтдинг. Минг бир хил нарса экдим.

— Сира паст тушмайсан-да. Сеники доим битта юқори туради. Ув, менга қара, памилдори ҳам экдингми?

— Бўлмаса-чи? Экдим, «волгоградский» сортидан. Икки ойдан сўнг келавер. Сенга ўхшаб иритиб-чиритиб сотмайман. Бепул олиб кетаверасан...

— Кўп бодилик қилма, жўра. Сен ҳам пихини ёрган шайтонсан... Ке, қўй, бир-биримизнинг сиримизни очмайлик. Бу «волгоградский»ингни уруғидан қолдими, йўқми?

— Бор, жўражон. Санга атаб обқўйганман. Қанча керак?

— Уч сотихча ерни тайёрлаб қўйганман. Шунга яраша бер.

— Бўпти-да, бизда уруғ дегани сероб, деҳқончилик...

Боймурод шундай дея икки гугурт қутини тўлдириб уруғ берибди, Гадоймурод уйига келиб, текин уруғни ерга қадабди. Орадан кунлар ўтиб, майсалар бўй чўза бошлади. Баъзилари гулга ҳам кирибди. Бир куни агроном Рўзиқул Гадоймуродни тўйга айтгали унинг ҳовлисига кирибди. Қараса, экинлар авжида. Айниқса «памилдори». У ҳайратланиб тураркан. Гадоймурод уйдан чиқиб кела бошлабди.

— Гадой ака, — дебди Рўзиқул мийиғида кулиб, — бу дейман, янгамиз қизил қалампирга бошқоронғи бўлганлармми, шунча жойга экибсиз-а?

— Нима, нима? Каламнир дейсанми? Кечирасан, бу «волгоградский» сорт памилдори. Боймурод зўр деҳқон-ку, уруғини ўшандан олганман.

Агроном Рўзиқул қийқириб кулибди.

— Боймурод сизни туширмаса, кимни туширарди, жинниво. Бу нақ қизил қалампирнинг ўзи-ку!

— Шундай дегин, вой энағар, Боймурод-е! Бир қутиси етарли десам ҳам қўярдақўймай икки гугурт қутини тўлдириб берди-я уруғини. Яна «волгоградский» деганига ўлайми? Вой занғар-а...

Гадоймурод жаҳлдан тушиб қараса, агроном Рўзиқул қорнини ушлаганча қийқириб куларди.

— Укажон, — депти у кулишини ҳам, йиғлашини ҳам билмай, — менга қара, мен битта зиёфатта қарздор. Анави қўчқорни сўяман, йўқ десанг, бузоқни. Мани шармандa қилма, шу гап шу ҳовлида қолсин.

— Бўпти, Гадой ака. Сизнинг обрўйингиз бизга ҳам керак, — депти Рўзиқул кулганча «таклифнома»ни унинг қўлига тутқазиб. — албатта боринг, лекин...

— Бораман, укажон, бел боғлаб хизмат қиламан...

Орадан ўн-ўн беш дақиқа ўтар-ўтмас, унинг уйидаги телефон жиринглабди. Гадоймурод дастакни кўтариб, қулоғига яқинлаштирибди.

— Гадой ака, памилдорингиз пишибди. Қутлуғ бўлсин, уч-тўрт кило керак эди. Борайинми?

— Сабзи пишди, ука! Сабз-е...

Телефондан кимнингдир қийқириб кулгани эшитилибди ва «қийғ, қийғ, қийғ» деган сўнгсиз овоз тарала бошлабди...

## «ҚИЗИЛ ШОЛҒОМЧА»

Кунлар, ойлар ўтиб, «қизил қалампир» воқеаси ҳийла совиса ҳамки, Гадоймуроднинг эсидан сира чиқмаскан! Ҳар гал Боймуродни кўрганида, «Ҳап санини, шошмай тур. Саниям пешонангга битта лақабни муҳрлатмасам, Гадой отимни бошқа қўяман», деб қўяркан ичида.

Ҳаш-паш дегунча янаги баҳор келиб, экин-тикинлар бошланибди. Қишлоқда яккаю-ягона эмасми, Гадоймуроднинг дўкони кеч оқшомгача ёпилмаскан. Биров сабзи-пиёз уруғи деб кирса, биров шолғом, лавлаги, бойимжон ва ҳоказо экинларнинг уруғини сўрайди. Бир намозшом пайти дўконга Боймурод кириб кепти.

— Салом, жўражон, қалайсан? Соқолни Худойқулни патагидай ўстириб юборибсанку, — деб пешвоз чиқибди унга Гадоймурод, — бунча кўринмай кетдинг?

— Нимасини сўрайсан, жўра! Иш кўп. Лекин манга қара, жуда боди бўлиб кетибсан. Иягингда тўрттагина тукинг бўлсаям ҳар кун соқол қиртишлаганинг қиртишлаган. Кўсалигингни тан олгин-да, номард.

— Бўлди, кўп ҳаддингдан ошма. Биласан-ку, камситишга тоқатим йўқроқ.

— Узр, жўра, кўп хафа бўлма. Бесоқол бўлсанг ҳам бировдан кам жойинг йўқ. Шу дўконинг омон бўлса, соқол масаласи ўз-ўзидан ҳал бўлиб кетади... Шу... памилдоридан түйиб-туйиб еявер, Ашур бедановозни ўтпоясидай ғовлаб кетмаса, отимни бошқа қўяман.

— Отинг қурсин-да, ҳе энағар, сенга худо бас келмаса, бандаси бас келолмайди. Хўўш, — деди Гадоймурод мийиғида куларкан, бош силкитиб, — мақсадга кўч. Нимага келувдинг?

— Биласанми, жўра, — деди Боймурод жиддий оҳангда. — Шу десанг, томорқага ҳар йили сабзи-пиёз, бодринг-модринг экавериб, ерни ориқлатиб қўйдим, шекилли. Шу йил йўнғичқа экмоқчиман, алмашлаб экиш дегандай...

— Жуда яхши-да!

— Ичимсан-да Гадой, — қувониб кетди Боймурод, — бугун Умар мўйловдан эшитдим: «Шўрқул»дан уруғ обкелибсанми?

— Обкелдим, жўра, Самарқанддан! Биласан-ку, Самарқандни ўти зўр бўлади. Чойгаям қўшиб сотишади. Эшитгансана?

— Эшитганман. Худо ҳар кимга инсоф берсин. Лекин мани хурсанд қилдинг, жўра. Улча, ўша уруғингдан, — деди Боймурод белбоғини ечиб, пештахта устига ёяркан.

— Томорқанг ўн сотихча келади-а? — сўради Гадоймурод жиддий оҳангда, — манави қоғоз халтага бир килоча уруғни солиб қўювдим. Санга бемалол етади. Аммо менга қара, ўтни одатда, тонг қоронғусида экадилар. Нам қочмайди-да ердан. Шундай қилсанг, бурд сеники. Бир ҳафтага қолмай униб чиқади. Бизниям, жўра, деҳқончиликдан хабаримиз бор.

Боймурод тегишли пулни тўлагач, жўрасига раҳмат айтиб, уйига қайтибди. Наридан-бери овқатланибди. Бола-чақаси билан куни бўйи ер ағдариб, чарчаган эмасми, тезда уйқуга кетибди.

Билмадик, хўрозлар Боймуродними ёки Боймурод хўрозларни уйғотадими, ҳар қалай, саҳарлаб ўрнидан туриш унга азалий одат. Хусусан, бу тонгда уни муҳим юмуш ҳам кутиб турганди. Боймурод қўл-бетини ювгач, икки ўғли, хотини, қизини ҳам уйғотиб, ҳар бирига кетмону хаскаш тутқазди. Узи қоғоз халтадаги уруғни белбоғига бўшатиб, «Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим» деб ишга киришди. Ҳаш-паш дегунча уруғ сепиб бўлинди. Кейин у оғилхонадан сербаргина тахта келтириб, икки учига арғамчи боғлади. Сўнгра унга кичик ўғлини ўтқазиб ўзи ва ўғли «ҳўкиз» бўлганча молалай бошлашди. Шу тариқа ўт экиш офтоб чиққунча давом этди.

— Дада! — деди ота зуғумидан қутилган Ҳамидулла уст-бошини қоқаркан, — шу ишни уйқудан қолиб, қоронғуда қилиш зарилмиди? Чошгоҳроқда ҳам эксак буларди-ку.

— Ув, бола, менга ақл ўргатма. Эсингдан чиқарма: ўтни саҳарлаб экадилар: ердан нам кўтарилмай. Билдингми?

— Тўғрику-я, лекин, дада шу экканингиз ўт уруғига ўхшамайдими дейман-да.

— Нима? Ман ўттиз йил деҳқончилик қилиб, ўт уруғини танимас эканманми? Қани, бор, чойингни тезда ичиб, мактабингга жўна, ҳе, маҳмадана!

Шундай қилиб, орадан тўрт-беш кун ўтипти. Деҳқонга мадад дегандай, бу орада ёмғир ҳам ёғибди. Боймурод бир саҳар қараса, ер бетини текис майсалар қоплаган. «Зап деҳқонман-да, — деб ўйлабди у хурсанд бўлганидан, — хатосиз унипти-я! Отангга раҳмат-е, Гадоймурод, уруғни зўридан берибсан-да, жўра».

Боймурод ерига қиши билан маҳаллий ўғитни қалаштирмаганми, майсалар кун сайин ўса бошлапти.

— Дада, — депти Ҳамидулла бир саҳар майсаларга астойдил тикилиб, — буларингиз йўнғичқа ўтга ўхшамайди-ку.

— Ув, маҳмадана, — дея танбеҳ бера бошлабди яна ота, — бу янги нав ўт. Самарқандники! Буни самарқандликлар қуритиб, чойга ҳам қўшиб сотадилар. Тушундингми, каллаварам!

— Тушундим, дада. Аммо — бу ўт эмас, редиска. Ре-дис-ка!!! Ишонмасангиз, Мавлон бобонинг ҳовлисига қаранг, у кишиям ўт экканлар. Мен кеча кўрдим. Сизни Гадой тоға аҳмоқ қилганлар, — дея ҳиқиллаб кўчага отилди Ҳамидулла.

— А? — деди Боймурод ўғлининг ортидан анграйганча, — наҳотки Гадоймурод мани туширган бўлса? Ё бултурги қасдини олганмикан?

У шундай ўйда дарвозадан ташқарига чиқса, Мавлон бобо томорқасига сув очаётган экан. Кўришишгач:

— Отахон, — деди у бемайлохотир ўғлининг гумонини аниқламоқчи бўлиб, — ҳовлига янги нав ўт экувдим. Бир кўриб қўймайсизми? Гадоймурод уруғини Самарқанддан обкелган экан.

—Ие, болам. Ўтнинг янги нави чиқибдими? Эшитмовдим-ку! — дея чол дарвозага йўналди, — бир кўриб қўйсак, зарар қилмас.

Мавлон бобо қўшқулоқ майсаларга бироз тикилгач, бирдан қаҳ-қаҳ уриб кула бошлади:

— Бу қизил шолғомча-ку, Боймуродбой, редиска! Уруғини кимдан олдим дедингиз?

— Гадоймуроддан!

— Ҳа, энди болам, тегирмон ҳам навбати билан деганлар. Буям қизил қалампир воқеасидай гап. Гадоймуроддан койиниб юрманг яна.

— Энди отахон, Сиздан бир илтимос, — дея ялинди Боймурод чув тушганига иқрор бўлиб, — шу гап шу ерда қолсин. Ман бир зиёфатта қарздор.

Орадан ўн беш- йигирма дақиқа ўтгач телефон жиринглабди. Боймурод дастакни кўтарибди:

— Ака, бой, — овоз келибди ундан, — йўнғичқа ўтингиз ўроққа келганмиш. Пулини нақд бераман. Бир аравасини ўриб, бизникига жўнатинг. Илтимос...

— Қизил шолғомча керак эмасми, ўв, энағар!

Дастакдан босинқи кулги эшитилибди...

БУХОРО

## ҚАТРАЛАР

Мавқеига маҳлиё бўлиб яшаган
мансаб дардига чалингусидир.

*

Тириклигида юз кўришмас эди,
ўлганида ёқа йиртиб йиғлади.

*

Ҳар бир савоб иш — ибодат.

*

Мақтанишдан тийилсанг — мақтов оласан.

*

Жаҳолат устун бўлса, ҳақиқат эгилади.

*

Ортиқча мол-дунё ғам жомасига ўхшайди.

## ТИЛ

Фалакнинг гардиши билан бир кимса бошига кулфат тушди. Унга яқинлари савол берди, бечораҳол жавоб айтди:

— Сирдош дўстингиз?
— Тилим.
— Энг ёвуз душманингиз?
— Тилим.
— Иззат-ҳурматингиз боиси?
— Тилим...
— Олқишларга кўмилишингизга сабаб?
— Тилим...
— Қайғуга ботишингизнинг боиси не?
— Тилим...

Саид РАВШАН.

## ҚУЛОҚҚА ЧАЛИНГАН ГАПЛАР

Бўри Қўйга деди:
— Мен сенга хашак берай, сен эса мени гўшт билан таъминлаб тур.

***

«Тўра акамнинг дилларини у кишининг ошқозонлари орқали чоғ этдик».

***

Терговчининг даъвогарга жавоби:
«Бузоғингизнинг ўғирланганлигига тўрт йилдан ошибди. Бу орада ўша бузоқ сигирга айланган бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Шунинг учун бузоқни излаш тўхтатилди».

***

— Дадаси, хўп денг, текинхўр ўғлимизни уйлантириб қўяйлик, а? Унинг жазосини хотини берсин!

***

Илмий ишлардан бирининг мавзуси:
«Чаённинг учиш тезлиги ва унинг ҳалокатга учраш сабаблари».

***

Унинг боши бировнинг елкасида.

***

Унинг кўзини очиб қўйишди! Аммо, оғзини ёпиша олмади?..

***

Боши берк кўча хавфсиздир.

Тўпловчи Абдуазиз ҲОШИМОВ


## ЭЪЛОН

Шу йил 24 май куни соат 18.00 да

Алишер Навоий номидаги Ўзбек давлат академик Катта театрида

Халқ артисти, Давлат мукофотлари совриндори, профессор

**Бернора ҚОРИЕВА**

ижодига бағишланган юбилей кечаси бўлади.

Касса эрталаб соат 9.30 дан 19.00 гача ишламоқда.

Тел: 33-90-81





Рассом А. НОРХЎЖАЕВ

Абдуқаюм
ЙЎЛДОШ

## ХАЛАЧЎП
(муте кимса тилидан)



**— Мана жиловимиз, олинг, марҳамат,**
**Манови елкамиз, марҳамат, мининг.**
**Манов от ёлидан юлган аломат,**
**Мановиси қамчин, марҳамат қилинг.**

**Сочларимиз узун, эшсак — узанги,**
**Чурик либослардан тўқим ҳам тайёр.**
**Эй, чўнг ироданинг суюк фарзанди,**
**Келинг, мушфиқларни айланг бахтиёр.**

**Йўқса улоққан кар қўйлардай жарга**
**Емиш дарди бизни кетади тортиб.**
**Биз ҳам чўққиларга бир чиқайлик-да,**
**Ҳеч бўлмаса устга бировни ортиб.**

**Шубҳасиз, вафодор бўламиз сизга,**
**Оғирингиз енгил қиламиз ҳам кўп.**
**Фақат нуқиб туринг биқинимизга,**
**Бўйнимизга санчиб туринг халачўп...**

## «ОТАМНИНГ БОҒИ»

Дилшод Ражаб бадиий ижодни илм билан бақамти олиб бораётган, кичкинтойларни ўзининг кутилмаган образлари, теран маъноли содда-самимий шеърлари билан хушнуд этиб келаётган болалар шоири. Унинг «Шум боланинг чойхонаси»да жаранглаган қувноқ машқлари болакайларга манзур бўлганини эътиборга олиб, яқинда «Чўлпон» нашриётида чоп этилган янги «Отамнинг боғи» китобчасидан айрим намуналарни ҳавола этаяпмиз.

«Отамнинг боғи» ёш шоирнинг учинчи шеърлар мажмуаси. Унинг «Қорқиз совға келтирди» (1989) ва «Ҳазилкашлар даврасида» (1991) тўпламлари аллақачон болажонларнинг тийрак имтиҳонларидан ўтган. Янги тўпламга таниқли болалар шоири Турсунбой Адашбоев муҳаррирлик қилган. Китобчани рассом Н. Харина безаган.

### КАПАЛАК

**Дилларни яйратар-да,**
**Узи ҳам шод яшайди.**
**Тегмас ғашга, асабга**
**Кир, хира пашшадай у**

**Қувнар тўйиб, симириб**
**Гул - чечакнинг хуш атрин,**
**Қисқагина ҳаёти**
**Бир умрлик ибратдир.**




### БОЛАРИ

**Гуллар билан кўришар,**
**Ачомлашар, ўпишар.**
**Гуллар уни севади,**
**Ширасини беради.**
**Хуш кўрар болалар ҳам,**
**Озор бермаслар ҳечам.**
**(Қовоқ аридай унинг**
**Бузмайдилар инини).**
**Яхшида муомаласи —**
**Оғзидан бол томади.**

### ШАРШАРА

**Бир қара,**
**Бир қара:**
**Не гўзал манзара!**
**Тошларга тўш уриб**
**Куйлайди шаршара.**
**Тилса-да кўксини**
**Заранг тош-харсанглар,**
**Қоттан тоғбағрига**
**Солиб зўр ларзалар.**

**Қуйлайди шаршара,**
**Уйнайди шаршара.**
**Тоғни ҳеч тинчига**
**Қўймайди шаршара.**

Абдураҳмон АКБАР

## ШИРИН «ҚУЁШ»

**Чорлар митти чумоли**
**Тенг-тўшин саёҳатта:**
**— Қани кетдик, жўралар,**
**Саёҳатта — роҳатта!**
**Чўмиламиз бугун биз**
**Нилуфар унган кўлда.**
**Адашиб ҳам юрмаймиз**
**Қумлари қайноқ чўлда.**
**Ишонинглар, дўстларим,**
**Ишонинглар сўзимга.**
**Бошлаб бораман сизни**
**Қуёшжоннинг ўзига!**
**Ўртоқларин чумоли**
**Шундай деб йўлга солар.**
**Мўлжал қилиб манзилга**
**Кунгабоқарни олар.**
**...Қувнар чумолиларнинг**
**Пистадан еганлари:**
**— Бунча ширин бўлмаса,**
**Бу — Қуёш деганлари!..**




Рассом О. ВОСИХОНОВ


МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ
ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI
ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона телефони— 33-52-91
* * *
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

*Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

Навбатчи муҳаррир —Гулчеҳра УМАРОВА

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 24. Буюртма Г. — 0249. Ҳажми — 4 босма табоқ. Тиражи—10843. Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Индекс 64593. 1 2 3 4 5 6